O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 25 февраль, № 39 (3584) Жума

Орамиздаги одамлар

ТОПИЛМАЛАР ТАРИХДАН СЎЗЛАР...



Афросиёб, Сополли, Далварзин, Ерқўрғон, Мунчоқ тепа, Қанҳа, Шохрухия... Бу ноёб ёдгорликларни бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам эътироф этишади. Улар республикамизнинг деярли барча музейлари кўргазмаларидан жой олган. Улар асосида тарихий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Бироқ... Замин қаъридан топилган бу ноёб осори-атиқалар неча-неча асрлар оша бу кунга етиб келгунча қанчалар озорланган, шикастланган. Тарихдан сўзлагувчи бундай ёдгорликларнинг ҳаётга қайтиши, қайта яшаши учун уларга жон ато этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Кимё фанлари номзоди Шариф Илҳомов бу ишнинг ҳадисини олганлардан. Қаерда фаолият кўрсатмасин, у қазиб олинган қадимий топилмаларни кимёвий усулларда қотириш, таъмирлаш ва консервациялаш йўли билан кўҳна меросимиз дурдоналари авлодлар учун сақлаб қолишига катта ҳисса қўшиб келяпти. Шариф Илҳомовнинг ноёб касби туфайли бугун қанчаданқанча осори-атиқалар "тилга кирди". Улар одамларга миллатимиз тарихидан "сўзлаяпти".

Бугунги кунда Шариф ака Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими. Олим ва кашфиётчи. Шогирдлари бисёр унинг. Амалий, илмий, ҳаётий тажрибаларини Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомчилик ва дизайн институтида ёшларга ўргатишга ҳаракат қиляпти.

У. ФАЙЗИЕВА
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: кимёгар-таъмирчи, қўли гул мутахассис Шариф Илҳомов иш устида. Таъмирланган топилмалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 24 февраль куни Оқсаройда Бельгия Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Даниэл дел Мармоль хоним ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов Ўзбекистон — Бельгия муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланиши муносабати билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Европада ва дунёда катта нуфузга эга, пойтахтида НАТО қароргоҳи, Европа Иттифоқининг таркибий тузилмалари жойлашган Бельгия Ўзбекистонга Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи давлат сифатида қарайди. Ўзбекистон ҳам Бельгия билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар ҳамда Ўзбекистоннинг НАТО ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигига доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бельгия элчиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Грузиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Давид Залкалианидан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон билан Грузия тарихан бир-бирига дўст давлатлар саналади. Мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик қарор топган. Истиқлолга эришгандан кейин иккала давлат ўзаро муносабатларни янгича асосда ривожлантириб келмоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Грузия билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади, элчининг мамлакатимиздаги фаолиятига муваффақият тилади.

Д.Залкалиани Ўзбекистон билан Грузия алоқаларини ривожлантиришга, умумий манфаатларимизга хизмат қиладиган хайрли ишларни бажариш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

***

Президент Ислом Каримовга Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Меҳмет Кемал Ася ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон — Туркия муносабатлари савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида, қурилиш соҳасида Туркия ишбилармонлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Халқаро ҳамкорлик, жумладан, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш каби муаммоларга қарашларнинг муштараклиги ҳам мамлакатларимизни яқинлаштиради.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги келгусида барча йўналишларда янада ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Туркия элчиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистондаги фаолияти давомида ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

(ЎзА).

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўплаб иқтисодчилар, ишбилармонлар, миллий ва халқаро молия ташкилотлари эътиборини тортмоқда.

«VWD»да тараққиётимиз намойиши

Улардан бири "Бирлашган иқтисодий хизмат" ("VWD") агентлигидир. ГФРнинг ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида фаолият юритиб келаётган мазкур ташкилоти молия-иқтисодиёт соҳасини ахборот ва консультациялар билан таъминлаб турадиган етакчи тизимлардан ҳисобланади. 22 февраль куни "VWD" веб саҳифасида "Халқаро молия корпорацияси Ўзбекистон Республикаси иқтисодий муҳитида жонланишни кузатди" мақоласини жойлаштирди.

Мақолада Халқаро молия корпорацияси ва Швейцариянинг иқтисодий масалалар бўйича бош котибияти (SECO) томонидан тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳақида ҳикоя қилинади. Сўровда Марказий Осиё давлатларидан икки ярим мингта кичик ва ўрта бизнес корхоналари вакиллари иштирок этган.

Ушбу электрон нашр Ўзбекистон иқтисодиётидаги жонланишга мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, 2003 йилдан рўйхатга олишнинг янги тартиби жорий қилингани, шунингдек, хўжалик субъектларини текширишни тартибга олингани сабаб бўлганини қайд этган. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида сўров натижалари келтирилган: корхона ва фирмаларни текширишнинг ўртача йиллик кўрсаткичи тўрт йил давомида 6,2 мартадан 1,9 мартагача камайган, янги корхоналарни рўйхатга олиш муддати икки бараварга қисқартирилган.

"Жаҳон" АА.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъати мажлиси бўлиб ўтди.

У соҳа органларининг Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширадиган ишлари муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган мажлисида қўмита фаолиятига билдирилган танқидий баҳоларга алоҳида тўхталди.

Жумладан, монополиядан чиқариш органлари эркинлаштириш, рақобат ва тадбиркорлик муҳитини шакллантириш жараёнида ўзининг муносиб ўрнини топа олмагани, савдо, пуллик ва тиббий хизматлар кўрсатиш соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларнинг етарли эмаслиги қайд этилди.

Ишга масъулиятсиз муносабатда бўлгани ва қўйилган вазифаларни бажаришга юзаки ёндашгани учун 21 ходимга нисбатан қатъий интизомий жазо чоралари қўлланди, 3 ҳудудий бошқарма бошлиғи ва 7 мансабдор шахс ўз лавозимидан бўшатилди.

Мажлис давомида йўл қўйилган камчиликлар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди, уларни бартараф этиш учун монополиядан чиқариш органлари ходимлари фаолиятини такомиллаштириш, масъулияти ва касб малакасини оширишга қаратилган аниқ чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда рақобатни ҳимоя қилиш тамойилини бош мақсад сифатида жорий этиш, хўжалик бошқаруви ва жойлардаги ҳокимият органларининг монополиядан чиқаришга доир қонунчиликни бузиш бўйича жавобгарлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун рақобат муҳитини яратиш, молия бозорида монополиядан чиқаришга доир қонунчилик таъсир доирасини кенгайтириш, қонунчиликни бузганлик учун кўзда тутилган жазо чораларини қайта кўриб чиқиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Муҳокама якунлари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жамшид РАУПОВ
ЎзА мухбири.

Жойлардан хабарлар

Институтда Исроил кўргазмаси

Самарқанд Давлат чет тиллар институтида Исроилнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан унинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, табиат манзаралари акс эттирилган суратлар кўргазмаси очилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Исроилнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Али Мель жаноблари ва бошқалар сўзга чиқиб, асосий мақсад икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш эканини таъкидлашди. Меҳмонлар билан талабалар ўртасида мулоқот қизғин саволжавобга айланиб кетди.

А. САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Испаниянинг Линарес шаҳрида шахмат бўйича йилнинг нуфузли турнири бошланди.

Биринчи ўйинда дуранг

Супертурнирда амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турган Гарри Каспаров ҳамда дунёнинг энг кучли халқаро гроссмейстерлари — Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Петер Леко (Венгрия), Майкл Адамс (Англия) ва Франсиско Валехо(Испания) иштирок этяпти.

Турнирнинг биринчи учрашувини ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов испаниялик Франсиско Валехога қарши ўтказиб, дуранг натижага эришди.

Қосимжонов навбатдаги ўйинини кеча Гарри Каспаровга қарши ўтказди.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ — 2005

Ютуқ «Пахтакор»да кетди

Кеча Тошкент халқаро турнирининг учинчи учрашуви «Пахтакор»—Ўзбекистон Олимпия терма жамоалари ўртасида ўтказилди. Унда мамлакатимиз чемпиони —2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни «Пахтакор»дан нигериялик легионер Жуниор Осака ва Вячеслав Понамарёв, Олимпия терма жамоамиздан Фарҳод Тожиев киритди.

Ўз мухбиримиз.

Миллий Олимпия қўмитасида

Кеча пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг XII Бош ассамблеяси бўлиб ўтди.

Унда қўмитанинг кейинги тўрт йил мобайнида амалга оширган ишлари муҳокама қилинди. Миллий Олимпия қўмитаси президенти Р. Қурбонов шу йиллар мобайнида қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Маълумки, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси 1992 йилнинг 21 январь куни тузилган. 1993 йилнинг сентябрь ойида Халқаро Олимпия қўмитасининг 101 сессиясида тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинган. Шунингдек, Осиё Олимпия ҳаракати ва минтақавий ташкилот — Осиё Олимпия кенгашининг тўлақонли аъзоси саналади.

Олдинда янги Олимпиада цикли бошланди. Энди бутун эътиборни "Хитой—2008" Олимпиадасига тайёргарликка қаратишимиз лозим.

Тадбирда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Рустам Қурбонов Миллий Олимпия қўмитасининг президенти этиб, қайта сайланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Жаҳон 24 соат ичида

Фаолияти тўхтатилди

Бангладеш ҳукумати иккита исломий ташкилотлар – «Жаграта Муслим Жаната Бангладеш» (JMJB) ва «Жамоат ул-Мужоҳидийн» гуруҳларининг фаолияти тақиқланганлигини эълон қилди. Бу ташкилотлар фаолияти «террорчилик фаолияти ва мамлакатнинг турли нуқталарида портлашлар уюштирганлиги учун тўхтатилди», дейилади ҳукумат баёнотида.

Ташкилотга аъзо бўлганлардан 40 нафари кўлга олинган, деб хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

Суиқасд бўйича суд бошланди

Вашингтон яқинидаги Александрия шаҳрида (Виржиния штати) Президент Жорж Бушга суиқасд уюштиришни режалаштирганликда айбланаётган, келиб чиқиши араб бўлган, техаслик 23 ёшли Аҳмад Умар Абу Али устидан суд жараёни бошланди. Айблов сешанба куни, у Саудия Арабистонидан АҚШга олиб келингач эълон қилинди. Округ судининг матбуот хизмати маълумотларида ва расмий айблов матнида айтилишича, Аҳмад Умар Абу Али 2002 ва 2003 йилларда АҚШ Президенти Жорж Бушга суиқасд уюштириш ҳамда «Ал-Қоида»нинг Қўшма Штатлардаги террорчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш режасини ишлаб чиққан.

Тинтув пайтида Алининг Виржиния даги хонадонидан халқаро террорчилар Усома бин Лодин, Айман ал-Завохирий, Мулла Умар билан боғлиқ китоблар, шунингдек, жиҳодга чақирувчи аудиоёзувлар топилган. Агар унинг айби судда исботланса, штат жиноят қонунчилигига кўра Али 80 йилга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

«Сурия қўшини чиқиб кетиши керак»

Франция Президенти Жак Ширак Сурия Ливан ҳудудидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши керак, деб баёнот берди. Иордания қироли Абдулла II билан бирга Парижда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Франция давлати раҳбари Ливан парламенти бу ҳақда қарор қабул қилиши лозимлигини айтган.

Франция АҚШ билан биргаликда Сурияга ўз ҳарбийларини Ливандан олиб чиқиб кетиш мажбуриятини юкловчи БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган резолюциянинг ташаббускори ҳисобланади.

ЯХШИ НИЯТНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС

Сиз яшаб турган ҳудудда қўшма корхона борми? У қандай маҳсулот ишлаб чиқараяпти? Маҳсулоти жаҳон андозалари даражасидами?

Бу саволларга жавоб бериш анча мушкул. Сабаби эса оддий: кўпчилик қўшма корхоналар на ишлаб чиқаришининг ташкил этилиши, на маҳсулотининг сифати, на бозор талабини ўрганиши жиҳатидан бошқа корхоналардан фарқ қилмайди. Ҳозирги кунда урф бўлдими ёки соликдаги имтиёзлардан фойдаланиб қолиш учунми, қўшма корхонага айлантирилган жайдари корхоналар ҳам кўпайиб қолди.

Лекин Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи» ўзбек-турк-япон қўшма корхонаси бундан мустасно, десак, янглишмаймиз. Корхона дарвозасидан бошлаб ишлаб чиқариш цехларию истеъмолчиларга жўнатилаётган тайёр маҳсулотигача — ҳаммаси фақат ўзига хос. Пахта толасидан сифатли ип калава тайёрлаётган хотин-қизлар қўшма корхонада ишлаётганидан фахрланишади. Қизларнинг ишчанлик сифати ҳақида гап кетганда, «Оқсарой тўқимачи»да ишлашади» дейишнинг ўзи кифоя. Ахир, ҳар қандай одам ҳам бу ерда ишлай олмаслигини ҳамма билади. Аслида чет эллик ҳамкорлар билан ташкил этилган қўшма корхона шундай бўлиши ҳам керак.

Бундай довруғнинг замирида жуда яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ётганлигини таъкидлаш жоиз. «Оқсарой тўқимачи» 2004 йилда 12331,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Унинг асосий қисми, яъни 12229,6 миллион сўмлиги ташқи бозорга чиқарилди. Корхонанинг экспорт салоҳияти бундан-да каттароқ. 665 кишилик меҳнат аҳлининг нияти тобора кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, ўз оиласининг фаровонлигини юксалтириш, корхонанинг довруғини ошириш, чет эл валютаси тушумини кўпайтиришдан иборатдир. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўтган йил охирида Яккабоғ туманида ишга туширилган «ЭАУСС-Яккабоғтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг ҳам дастлабки қадамлари ёмон эмас. Унинг Низом жамғармаси 2296,3 минг АҚШ доллари ва энг муҳими, ҳудудлардаги ички бозорни тўлдиришга кенг имконият яратади.

Долзарб мавзу

Айни пайтда шундай ярмаркалар Самарқанд, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида ҳам намойиш этилмоқда.

Г. ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.
СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар.
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига Германиянинг "Шлафхирет" ва "Трютшлер" фирмалари томонидан беғараз ёрдам сифатида умумий қиймати 1 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдорида янги технологиялар ажратиладиган бўлди.

Ўқув юртига янги технологиялар

Ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган технологик машина ва жиҳозлар таълимни амалиёт билан қўшиб олиб боришда қўл келади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур олий ўқув юрти АҚШнинг "Гербер" компаниясининг грантини қўлга киритиб, пировардида институтнинг енгил саноат технологияси факультети тикув ва пойабзал буюмларини бичувчи дастгоҳлар билан таъминланганди.

Акбар АЛИЕВ.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

"Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзбек ипаги" ва "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаларининг Тошкентда ўтказилаётган навбатдаги "Баҳор-ёз 2005" мавсумий ярмаркаси маҳсулотлари ана шундай мақомга муносиб

Ярмаркада "Ўзбекенгилсаноат" ДАК таркибига кирувчи, турли мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги 30 та, жумладан, 7 та тўқимачилик, 20 та тикувчилик-трикотаж ва 3 та чиннисозлик тармоғи корхоналари қатнашмоқда. Умумий қиймати 92 миллион сўмлик 500 турдаги тайёр (261 таси янги) маҳсулотлар харидорларга ғоятда манзур бўлаётир.

Нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур бўлган "Бухоротекс", "Намангантекстиль", "Косонсойтекстиль", "Бобур" акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилган, оқартирилган ва гул босилган газламалар, юқори сифатли кўрпаю ёстиқ жилдлари бежиримлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, гилам ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ҳамда ранго-ранг чинни буюмлар, "Юлдуз", "Тонг", "Ғунча", "Феруз"нинг эркаклар ва аёлларга мўлжалланган янги урфдаги устки кийим-бошлари, мактаб, лицей-коллеж ўқувчилари учун тайёрланган етти номдаги спорт формалари, чақалоқлар либоси ҳам диққатга сазовор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "Ядемтекстиль". "Шайхонтохуртекстиль", "Бурсель-Ташкенттекстиль" каби қўшма корхоналар маҳсулотларининг хорижий буюртмачилари сони кўпайиб бормоқда.

Мазкур ярмарка узоқ муддатли бизнес алоқалар ўрнатиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни доимий равишда қўллаб-қувватлаш, ассортиментни янгилаш, маҳсулот сифатини ошириш ва энг муҳими, ҳудудлардаги ички бозорни тўлдиришга кенг имконият яратади.

Айни пайтда шундай ярмаркалар Самарқанд, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида ҳам намойиш этилмоқда.

Г. ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.
СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар.
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Жанубий Кореянинг "LG Electronics Inc" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигидаги "LG Гранти — 2005" ижтимоий лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Иқтидорли талабалар тақдирланди

Унда лойиҳа мутахассислари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Пойтахтимиздаги барча олий ўқув юртларининг бакалавр ҳамда магистрант талабалари ўртасида ўтказилган ушбу танловда иқтисодиёт, педагогика, муҳандислик, тиббиёт, молия, ҳуқуқшунослик, журналистика, ахборот технологиялари, йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди. Шундай қилиб, Тошкент Молия институти талабаси Жалолиддин Норматов, Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институти талабаси Шариф Шодмонов, Тошкент Ислом университети талабаси Ихтиёр Бобоназаров, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Заргул Эрназарова, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти талабаси Элёр Алимардонов, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Мастура Тошпўлатова, Тошкент Давлат педагогика университети талабаси Ҳуснигул Жўраева ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабалари Шерзод Актамов, Азиз Бобожонов, Икром Ёқубовлар "LG Гранти—2005"нинг ғолиблари, деб топилди.

Айтиш мумкинки, "LG Гранти—2005" нинг асосий мақсади янги ғояларга интилган, мустақил равишда илмий тадқиқотларни олиб бориш имкониятларини излаётган мамлакатимиздаги истеъдодли ва ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Шунингдек, лойиҳанинг айнан иқтидорли йигит-қизлар орасида ўтказилиши Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги икки томонлама муносабатларни кенгайтиради ва ривожлантиришга хизмат қилади.

З. АШУРОВА.

Бандлик тизими

Ҳозирги кунда мамлакатимизда меҳнат ва бандлик борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун талабларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга асосий эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар бир шахснинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир.

МЕҲНАТ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Хоразм вилоятида ҳам қабул қилинган «Бандлик» дастурини амалга ошириш, меҳнат бозоридаги вазиятни соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш асосий мақсадлардан биридир. Вилоят, шаҳар ва туманларда меҳнат бўлимлари ташкил этилган бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан улар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бунинг натижасида меҳнат бўлимлари фаолиятида ижобий натижаларга эришилмоқда. Уларнинг иш берувчилар, корхона ва ташкилотлар, иш изловчилар билан алоқалари ҳам яхшиланганги, ўз навбатида меҳнат муносабатларининг тўғри шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йили жойлардаги меҳнат бўлимлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар янада яққол намоён бўлди. Фактларга эътибор қилайлик. 2004 йилда вилоятдаги меҳнат шохобчаларига 27514 фуқаро бандлик масаласида мурожаат қилди. Шуларнинг 14362 нафари ишга жойлаштирилди. Бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан деярли 3 баробар кўпдир. Уларнинг қолган аксарият қисмига қонун ҳужжатларига асосан ишсизлик мақоми берилиб, ишсизлик нафақаси тайинланди. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашишга давлат жамғармасидан 176116,2 минг сўм нафақа тўланди.

Жойлардаги меҳнат бўлимларида квоталанган иш ўринларидан самарали фойдаланилмоқда. Иш билан таъминланганлардан 3391 нафари ана шундай квоталанган иш ўринларига жойлаштирилди. Айниқса, ишсизларни ҳақ тўланадиган жамият ишларига жалб этишда сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. 2873 нафар ишсиз ана шу меҳнат фаолиятига тортилди.

Вилоятда меҳнатни касаначилик услубида ташкил этишга эътибор ортиб бормоқда. Бунга ўтган йили 220 нафар фуқаро жалб қилинди. Иш берувчиларнинг касаначиликка сарфлаган маблағи 12,4 миллион сўмни ташкил этди. Улар орасида 137 нафар аёлларнинг борлиги қувонарли ҳол. Корхона ва ташкилотларнинг талаби инобатга олиниб, ишсизларни касб эгаллашга қайта ўқитиш ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. 911 нафар ишсиз, асосан, ёшлар эндиликда ўқиб, ишли бўлдилар.

Вилоятда ёшларни хорижий давлатларга ишга юбориш қонун талабларига биноан амалга оширилаяпти. Ўтган йили 134 нафар ёшлар Жанубий Кореяга ишлаш учун юборилди. Дарвоқе, жазо жойларидан озод бўлиб қайтган 693 нафар фуқарони ишга жойлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Яна бир эътиборли томони шуки, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофазага олиш, жамиятдаги фаоллигини ошириш масаласи кун тартибида турибди. Ана шу мақсад йўлида жойларда қатор семинар-тренинглар ўтказиляпти.

Амалга оширилган хайрли ишлардан яна бири — бу барча меҳнат бўлимлари ходимларининг иш шароитлари яхшиланганлигидир. Боғот, Ҳазорасп, Янгибозор туманлари меҳнат бўлимлари янги биноларга кўчиб ўтган бўлсалар, қолган бинолар тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Ўтган 2004 йилда Хоразмда жами 21931 та янги иш ўринлари яратилганини, бунга тадбиркорлар, фермерлар бош қўшаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу кўрсаткич жорий йилда янада ортиши кутилмоқда.

Яна бир гап, вилоятда ишсиз фуқароларнинг оғирини енгил қилиш, уларга яқиндан кўмаклашиш мақсадида жойларда «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» ўтказиш анъанавий тус олмоқда. Ўтган йили жами 30 та меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, уларда 1271 нафар киши ишга жойлаштирилди. Жорий йил бошидан буён 16 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Уларда 395 та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги 2122 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Ўтказилган бундай тадбирларда 2945 нафар фуқаро қатнашиб, улардан 1057 нафари ишга жойлашдилар. 98 нафар фуқаро ижтимоий ҳимояга олинди. Бўш иш ўринлари ярмаркаларида қатнаша олмаганларни иш билан таъминлашга қулайлик яратиш мақсадида «Иш билан банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш йўналишлари» деб номланган буклетлар тайёрланиб, аҳолига тарқатилмоқда. Бундай тадбирларни йил давомида муттасил ўтказиб бориш изчил режалаштирилган.

Иш — инсоннинг зийнати. Киши иш билан банд бўлса, тер тўкиб, ҳалол меҳнати билан эл-юртга нафи тегса, ҳар жиҳатдан қониқиш ҳосил қилади. Бировларга нафи тегаётганидан қувониб яшайди. Бунинг учун Хоразмда имкон етарли.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ:

янгиликлар, хабарлар

Халқаро эътироф

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минтақавий вакиллиги ҳамда Дубай муниципалитети ҳамкорлигида Бирлашган Араб Амирлигида "Аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш ва ривожлантириш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда дунёдаги 90 та мамлакатнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусий корхоналар бу борада амалга оширган лойиҳалари билан иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ғолиблар ва мукофотланганлар орасида Канада, Испания, Аргентина, Бразилия, Хитой каби давлатлар қаторида Ўзбекистон "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳам бор. Бу уюшманинг "Микрокредит ва тренинглар орқали аёлларнинг иқтисодий мавқеини ошириш" лойиҳаси, нуфузли ҳайъат қарорига кўра, махсус совринга сазовор бўлди.

Деҳқон қаноти

Хатирчи туманидаги "Қиёс-21" фермер хўжалиги кейинги йилларда пахтачилик ва ғаллачилик бўйича қўлга киритган соф фойда ҳисобига "Нива" комбайни ва "Т-130" русумли ҳайдов трактори харид қилди.

Уларнинг бу йилги мақсадлари янада юқори. Шу боис ҳозирда фермер хўжалигида кўкламги экиш-тикишга тайёргарлик оби-тобида амалга оширилмоқда. Жумладан, мавжуд техника воситалари сифатли таъмирланди, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш жадал олиб борилмоқда.

Энг яхши акциядорлик жамияти

Пойтахт вилояти саноат корхоналари ўртасида "Оҳангаронцемент" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўзига хос мавқега эга.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган "Портландцемент М-400", "Портландцемент М-400-Д-20", "Портландцемент М-500-ДОН" цементлари, шунингдек, "ВМ-Б" момиқ ва унинг асосида тайёрланадиган иссиқликни сақловчи материалларга нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам талаб юқоридир.

Корхона жамоасининг 2004 йилдаги ютуқлари республика Давлат мулки қўмитаси томонидан эътироф этилиб, "Энг яхши акциядорлик жамияти" махсус дипломига сазовор бўлди.

Банклар рейтинги

"Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компанияси тарқатган хабарга кўра, ўтган йили банкларнинг ялпи акциядорлик сармояси 14,15 фоиз ошган.

Жумладан, бу кўрсаткич йирик банкларда 12 фоизни, ўртача банкларда 25,7 фоизни, кичик банкларда 28,7 фоизни ташкил қилади. Ажратилган кредитлар салмоғи эса 2003 йилдагига нисбатан 40,5 фоизга ортган. Муҳими, улар саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар, транспорт ва коммуникация, қурилиш, савдо ҳамда овқатланиш каби тармоқларга йўналтирилган.

Шунингдек, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш бултургига нисбатан 18,7 фоиз кўпайган.

Кунига 40-45 тонна саноат хомашёси

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, 2002 йилнинг май ойида Маржонбулоқ кони Навоий тоғ-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси таркибига қўшилганди.

Шундан кейин инқироз ёқасига келиб қолган ушбу кон модернизация қилинди. Шунингдек, қазиш техникалари янгиланди. Кон ва ишлаб чиқариш корхонасини боғловчи 5 километрдан зиёд йўл сифатли таъмирдан чиқарилди.

Ҳозирда Маржонбулоқ конида кунига 40-45 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси қазиб олинмоқда.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қизилтепа туманидаги "Қизилтепа" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли жунни қайта ишлаш цехида малакали ишчилар кўп. Ана шулардан бири Ҳошим Жумаевдир. У қарийб 30 йилдан буён мазкур корхонада меҳнат қилиб обрў-эътибор топганлардан саналади.

СУРАТДА: Ҳошим Жумаев иш устида.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Жомбойда қўшма корхона

Жомбой туманида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Jambaitech» корхонаси иш бошлади. У грециялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Корхонада 35 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Эндиликда бу ерда юртимизда етиштирилган пахта толаси қайта ишланади, ип, газлама маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЙРЛИ ТАДБИРГА ҲАММА МАСЪУЛ

Фармон ва ижро

Қувонч

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилингач, отаоналардан, айниқса муаллимлардан "Жуда хайрли иш бўлди. Болаларимизнинг таълим-тарбияси учун қайғуриб, ғамхўрлик қилиш шунчалик бўлади-да", деган фикр-мулоҳазаларни кўп эшитдик.

Яқинда Бағдод туманида бир йиғин устидан чиқиб қолдик. Биз билан салом-алик қилгач, маҳалла оқсоқоли йиғилганларга юзланди:

— Нима дейсизлар?

— Ҳукумат шунчалик ёрдам қилиб, бир триллиондан ортиқ маблағ ажратиб турганда, биз қараб турсак уят бўлар, — деди пудратчи Иноммирза ака.

— Шуни айтинг, — уни қувватлади тадбиркор Ҳожиакбар ака, — қилсак болаларимиз учун қиламиз-да. Давлат бераётган ёрдам олдида бизникн дарёдан томчи.

Суриштириб билсак, гап Қўштегирмон қишлоғидаги 40-мактаб ҳақида кетаётган экан.

— Мактаб Дастур талаблари даражасида тўлиқ таъмирдан чиқарилади, — бизга тушунтира кетди оқсоқол. — Аммо ёз иссиғида томга ёпиштирилган мўм эрийди — яна чакка ўтиш бошланади. Қарабсизки, йил ўтмай таъмирланган хоналар яна эски ҳолига тушади. Томга мўм қопламасдан, жиндай кўмак берсаларинг, шифер қилиб қўяқолардик, деб отаоналарни маслаҳатга чақиргандик. Кўриб турибсизлар, ҳаммалари такдифимизни қўллаб-қувватлашиб, таъмирлашга бажонидил қўмаклашишларини айтишди.

Эртасига мактаб ўйингоҳи кўмакчилар олиб келган тераклар билан тўлиб, қурилиш омборига айланиб кетган эди.

...Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир туманида қайта қурилаётган мактабга бордик. Чилланинг аччиқ совуғи аёвсиз заҳрини сочаётган бўлса-да, қурувчилар бинонда қайта қуриш ишларини берилиб давом эттиришарди. Бизга фартук тутиб олган аёл пешвоз чиқди.

Бу аёл бизда худди уйида уста ишлатиб, қурувчилар ишидан қувониб, бино битса, унга уй тўйи қилиб кўчиб кирадиган келинчакдай таассурот қолдирди.

— Ким бу киши? — сўрадик қизиқсиниб.

— Мактаб директори.

— Мактаб директори?

— Мактаби Дастурга мувофиқ қайта қуриш режасига киритилгандан буён қувончи ичига сиғмайди. Эрта-ю кеч қурувчилар ёнида. Ҳали чой дамлаб берган, ҳали овқат пиширган...

Келажак пойдевори дастури

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Остонақул Бегбоев бизни жиддий қиёфада қабул қилди. Давлат умуммиллий дастурининг бажарилиши билан қизиқаётганимизни билгач эса, юзида табассум уйғонди:

— Бу дастурни мен фарзандларимизнинг келажаги учун қайғуриш дастури деб биламан, — деб гап бошлади у завқ билан. — Дастурга мувофиқ вилоятимизда мавжуд 543 та умумтаълим мактабидан 524 тасида у ёки бу даражадаги бунёдкорлик ишлари бажарилади: бу тарихда бўлмаган иш. Жумладан, 2004-2009 йилларда 24 та мактаб янгидан қурилади, 219 та илм маскани мукаммал реконструкция қилинади, 28 та ўқув даргоҳи жорий таъмирланади.

Биргина 2004 йилда 361 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига 3 та умумтаълим мактаби янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бошқа манбалар ҳисобидан эса Бахмал туманидаги "Музбел" қишлоғида 240 ўринли мактаб биноси қад ростлади. 7 та мактабда 270 миллион сўмга яқин қурилиш ишлари бажарилиб, ўқув масканлари капитал таъмирдан чиқарилди. Жойлардаги 14 та билим ўчоғи эса, жорий таъмирланди.

Давлат дастури асосида туман ва шаҳар ҳокимликлари мактаб биноларини таъмирлаш юзасидан ўз маҳаллий дастурларини ишлаб чиққани ҳам бизни қувонтирди. Бу дастурларга кўра 41 та мактабда 434,3 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Осиё Тараққиёт банкининг 480 миллион сўмлик беминнат ёрдами туфайли 12 та мактабимиз янги қиёфа касб этди. Мактаб таълими жамғармаларига йиғилган 268,7 миллион сўм маблағ тубдан таъмирлаш ишларига сарфланди.

Дастурга асосан ҳар бир қишлоқ мактабида намунавий лойиҳадаги жисмоний тарбия ва спорт мажмуалари барпо этиш кўзда тутилган. 2004 йилда Жиззах шаҳрида ва Мирзачўл туманида болалар спорт мажмуалари бунёд этилди. Фориш, Дўстлик, Мирзачўл туманлари, шаҳар футбол мактаби ўйингоҳларида реконструкция ишлари бажарилди. Мактаблар эса, 27 миллион 172 минг сўмлик спорт ашёлари билан таъминланди.

"Интернет" тармоғига кенг қамровда уланиш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Марказлашган маблағ ҳисобидан 26 комплект, маҳаллий бюджет ҳисобидан 5 комплект замонавий компьютерлар ўқувчилар ихтиёрига берилди.

Булар 2004 йилда, аниқроғи, олти ойда вилоят халқ таълими соҳасида амалга оширилган ишлар. Рақамлардан ҳам кўринадики, дастур ниҳоятда кенг қўламли. 2009 йилгача уни тўла-тўкис адо этсак, келажакка мустаҳкам пойдевор қўйган бўламиз.

Гап фарзандларимизнинг ҳар томонлама таълим-тарбия олишлари учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, мактаб ишини яхшилаш ҳақида борар экан, бу ишга ҳар биримиз масъулмиз. Томошабинлик театрда ярашади, деган гапдан келиб чиқиб, қўлимиздан келганча бу хайрли ишларга кўмаклашсак, келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Баҳриддин САТТОРОВ,
Саид АНВАР,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Етти балли зилзила

Бурятия (Россия Федерацияси)нинг Орлинги ва Аршан аҳоли пунктларида Рихтер шкаласи бўйича 7 балли ер силкиниши рўй берди, деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Чоршанба куни кечқурун рўй берган зилзила кучи Иркутск вилоятида ҳам сезилган. Иркутск вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг маълум қилишича, қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида хабар берилмаган.

Тайвань Хитойга қўшилиши мумкин

Кеча Тайвань президенти Чэнь Шуйбянь оролнинг Хитойга қўшилиши мумкинлигини тан олди. «Биз эркин иродага асосланган ҳар қандай муносабатлардан ўзимизни четга тортмаймиз», дейилади Тайвань етакчиси ҳамда мухолифатдаги Биринчи халқ партияси раиси Жеймс Суннинг биргаликда қабул қилган баёнотида. Мазкур партия Тайвань парламентида кўпчилик овозга эга бўлиб, мамлакат президенти билан 2000 йилдан бошлаб бу масалада келишувга эришмоқда. The Miami Herald газетасининг ёзишича, Тайвань президенти орол ўз мустақиллигини эълон қилмоқчи эмаслигини ва мамлакатнинг расмий номидан Хитой ҳақидаги эслатма олиб ташланмаслигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Компьютер тарихи сотилди



Компьютерлар тарихи бўйича энг асосий ҳужжат – 1946 йилда ёзилган «Электрон компьютер яратиш бўйича чизгилар» Cristie's кимошди савдосида 72 минг долларга сотилди.

Турли чизмалар ва схемалар илова қилинган мазкур ҳужжатнинг муаллифлари америкалик муҳандислар Жон Мокли ва Преспер Эккерт ҳисобланади. 1949 йилда улар биринчи Америка компьютери бўлмиш BINAC ҳисоблаш машинасини яратган эдилар. 1843 йилда Луижи Федерико Менабреа томонидан яратилган «таҳлил қилувчи машина» чизмалари эса 78 минг долларга сотилди.

Тикритда портлаш

Кеча Бағдоддан 130 км шимолдаги Тикрит шаҳрида минералаштирилган автомобилнинг портлаши оқибатида 15 нафар одам ҳалок бўлди ва яна 25 киши

жароҳат олди. Полиция маълумотларига қараганда, ҳарбий кийим кийган терроррчи машинани полиция идораси олдидаги автомобиллар тўхташ жойига олиб келаётганда портлаб кетган. РИА «Новости»нинг ёзишича, террорчининг мақсади имкони борича кўпроқ одамни ҳалок қилиш бўлган.

Портлашдан сўнг атрофдаги 20 га яқин машина ёниб кетган. Ҳалок бўлганлар ва шифохонага олиб келинганларнинг барчаси полиция ходимларидир.

Метродаги фалокат

Чоршанба куни Москва метросида 4 киши ҳалок бўлди. Москва прокуратураси матбуот хизматидан олинган маълумотда айтилишича, улардан 3 нафари ўз жонига қасд қилган. Ҳалок бўлганлардан бири «Пушкин» бекатида эҳтиётсизлик оқибатида поезд йўлига йиқилган. Ўз жонига қасд қилган икки эркак ва бир аёл поезд келаётган пайтда ўзини темир изга ташлаган.

ОФИЦЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири, Х.САЛИМОВ).

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам соҳанинг янгича давлат стандартлари ва уларга мос ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Улар ривожланган давлатларнинг офицерлар тайёрлаш андозаларига тўла мос келади.

Бугунги кунда юртимиздаги олий ҳарбий билим юртларида жисмонан бақувват, ақл-идроки юксак, ўз Ватани ва Қуролли Кучлари билан фахрланадиган, саралланган йигитлар таълим-тарбия олмоқда. Улар сафига қўшилиш истагида бўлган ёшларни, аввало, шартнома бўйича ва муддатли хизматни ўтаётган иқтидорли ҳарбий хизматчилар орасидан танлаб олишга эътибор қаратилмоқда.

— Олий ҳарбий билим юртларига номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш бошланди, — дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси чақириққача ёшларни хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи, полковник Рашид Арамов. — Шаҳримизда ҳарбийликни чинакам касбига айлантириш ниятида бўлган йигитлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Уларнинг соҳага бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, пойтахтимиздаги ҳарбий қисм ва билим юртларида учрашувлар уюштирдик.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар мудофаа ишлар бошқармалари ва бўлимларида ҳам офицер бўлишни дилига тукан йигитлар иштирокида ана шундай тадбирлар ўтказилмоқда.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! *Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркорлар!*

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарорига мувофиқ давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган қуйидаги паст ликвидли объектни инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов эълон қилади!

Танлов савдолари куни: 2005 йил 18 ва 25 март, 1, 15 ва 29 апрель ҳамда 13 ва 27 май кунлари.

Савдолар соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй манзилида бўлиб ўтади.

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат объекти тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Объект номи	Манзили	Танлов шартлари			
			Бепул бериш тартиби (мулкий мажмуа сифатида тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик)	*Минимал инвестиция мажбуриятлари миқдори (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли 33-сон ётоқхона биноси	Сергели тумани, «Қурувчи» даҳаси	Мулкий мажмуа сифатида тўлиқлигича	Фаолият турини сақламаган ҳолда	300,0	2

Изоҳ: * Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

ОБЪЕКТ ПАСПОРТИ:

1.	Объектнинг номи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли 33-сон ётоқхона биноси
2.	Юридик манзили	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Қурувчи» даҳаси
3.	Соҳа	ижтимоий
4.	Ишчи ва хизматчилар сони	-
5.	Ишга туширилган йили	1991
6.	Баланс қиймати (минг сўм)	3 831,55
7.	Эгаллаб турган майдони (тегишли ҳудуди билан)	558,0 кв.м
8.	Бино ва иншоотларининг майдони	2653,0 кв.м
9.	Эскириш	-
	Шу жумладан: - бино ва иншоотлар; - асбоб-ускуналар	 - -
10.	Бинонинг техник характеристикаси	Бино қаровсиз аҳволда. Қўйилган эшик ва ромлари кўчириб кетилган. Капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган
11.	Фаолият тури	Уй-жой билан таъминлаш
12.	Коммуникациялар тармоғи	
	сув	мавжуд эмас
	иссиқлик	мавжуд эмас
	газ	мавжуд эмас
	электр	мавжуд эмас
13.	Аҳоли пунктидан узоқлиги	Аҳоли пунктида жойлашган

ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:

- *талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати);*
- *тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;*
- *бизнес-режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).*

Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион таклифлар танлов савдоси кунидан **уч кун** аввал мухрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр к., 16-А уй. Маълумот учун телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.

Шартнома учун кураш

Американинг Boeing авиаконцерни АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари билан шартнома тузиш учун бор кучларини ишга солмоқда. Концерн 2001 йилдаёқ шундай тендерни ютиб олган бўлса-да, бу масалада юзага келган жанжал оқибатида Пентагон билан расман битим туза олмаган эди. Энди эса бунинг учун яна бир имконият пайдо бўлди.

Бугунга келиб Boeing концерни дунёнинг энг йирик самолёт ишлаб чиқарувчилари рейтингидаги етакчиликни қўлдан бериб қўйган. 2003 йил охирида Европанинг Airbus(EADS) компанияси сўнгги 30 йил ичида биринчи марта самолёт ишлаб чиқариш бўйича Boeingдан ўзиб кетди. Ҳарбийлар билан тузиладиган 100 та самолёт тайёрлашни кўзда тутувчи шартнома 23 миллиард доллар атрофида баҳоланмоқда. Бу йирик миқдордаги келишув Boeingнинг ўзини тиклаб олиши учун сув ва ҳаводек зарур.

Маълум бўлишича, 2001 йил охирида Пентагон ходималаридан бири – Дарлин Друян тендернинг Америка корпорацияси фойдасига ҳал бўлиши учун таъсир кўрсатган. Айрим маълумотларга кўра, у Boeingга EADSнинг таклифлари ҳақидаги ахборотларни етказиб турган. Тендер якунланган эса 2003 йил январда Друянга компаниядан катта мансаб берилди. Бу воқеа сенатнинг Boeing билан тузилган контрактни рад этишига ва корпорациядаги бир қатор раҳбарларнинг истеъфога чиқишига ҳамда Друян хонимнинг 9 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинишига сабаб бўлди.

Ҳарбий ҳаво кучлари билан тузиладиган шартномадан икки рақобатчи компаниянинг манфаатлари келадиган фойда микёси билангина боғлиқ эмас. Boeing учун бу эскира бошлаган B767 линиясини замонавийлаштириш имкониятини ҳам яратади, EADS учун эса Пентагон билан шартнома тузиш ўз рақиби устидан тактик жиҳатдан ғалаба қозониш демакдир.

Шу боисдан, иккала компания ҳам жиддий рақобатга киришган. Масалан, Boeing ўз ишлаб чиқариш тизимида катта ўзгаришларни амалга ошира бошлади. Шу йилдан бошлаб унинг йўловчилар ташувчи энг кичик реактив самолёти – Boeing-717 ишлаб чиқаришдан тўхтатилади. Тўғри, ҳозирча компания расмийлари бу қарор айнан тендерда ғолиб чиқиш мақсадида қабул қилинганлигини инкор қилмоқда. «717» дастурининг матбуот котиби Синтия Тейлорнинг айтишича, айни пайтда компания 18 та шундай русумдаги самолёт устида иш олиб бормоқда. «Мазкур буюртмалар 2006 йил майда якунланади. Бироқ яқин ўн йил ичида B-717ларга талаб ошмайди. Шунинг учун уларни ишлаб чиқариш тўхтатилади», деди у.

Америкаликларнинг рақиблари ҳам вақтни бекорга ўтказмаяпти. EADS аллақачон АҚШда самолёт ишлаб чиқарувчи завод қуришни мўлжаллаётганини эълон қилди.

Компаниянинг Шимолий Америкадаги ваколатхонаси раҳбари Ральф Кросбининг маълум қилишича, дастлаб A330, A340 ва A350 самолётларига хизмат кўрсатиш марказлари қурилади. Аммо агар EADS Пентагон шартномаси учун танловда ғалаба қозонса, Америка иқтисодиётига яна 500-600 миллион доллар миқдорида инвестиция олиб кириши ва бу ерда самолёт ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ йўлга қўйишини айтган.

Нима бўлганда ҳам икки улкан компания ўртасидаги баҳс яқин орада ҳал бўлади.

Ботиржон ҒОФУРОВ.

POSITION VACANCY ANNOUNCEMENT

POSITION TITLE: Secretary
WHO MAY APPLY: Citizens of Uzbekistan

The successful candidate will have to demonstrated strengths in the following areas: strong coordinational and organisational skills; ability to work under pressure; accurate record keeping, independent decision-making and problem solving. Strong written and verbal communication skills, plus ability to operate electronic, photocopier, or other standard office machines, maintain moderately complex filing systems and records

Required qualifications:

Age:	25 and older
Education:	Bachelor's degree
Prior Work Experience:	Experience in a business/government administrative department, as well as experience working for any foreign agencies.
Language skills:	Fluency in English, Russian and Uzbek
Knowledge:	Computer literature
Skills and abilities:	Organisational and coordination skills, seeing work to conclusion and being an excellent organiser. Keyboarding rate of 50 wpm.

HOW TO APPLY:
Interested applicants should write to Tashkent 700043 P/B 5654 during 2 month since the first post announcement.

SELECTION PROCESS:
After an initial application screening, only the most qualified applicants will be invited to an interview.

Тилга эътибор — элга эътибор

Кейинги вақтларда кўпчилик газеталарнинг деярли ҳар сонида урф-одатларимиз, қадимий маданиятимизни ҳурмат қилиш, она тилимизда учрайдиган нуқсонларни бартараф этиш хусусида турли мулоҳаза ва фикрлар айтилади-ю, аммо улардан чиқариладиган хулоса кўнгилдагидек эмаслиги, очиқ айтишим керакки, мени афсуслантиради.

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири

НУҚСОННИ СЕЗМАСЛИКНИНГ ЎЗИ НУҚСОН

Агар чин кўнгилдан ўйлаб кўрсак, ўзбек халқининг дунёга кўз-кўз қилгудек маданияти, кўпчиликка ибрат бўладиган урф-одати, дунёдаги энг бой тиллардан ҳисобланган, ҳар қанча фахрлансак арзигулик она тилимиз борки, унинг таъриф ва тавсифини ҳеч ким буюк Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн»идагидек айтолган эмас.

«Муҳокаматул луғатайн»да тилимизнинг бошқа тиллардан афзаллиги ҳақида ўнлаб мисоллар келтирилади. Бизнинг тилимиз луғавий жиҳатдан шу қадар бойки, ҳатто битта нарсанинг номини бир неча сўз билан ифодалаш мумкин. Баъзан кишилар ўзаро муомалада ҳолатларни бир неча маънодош сўзлар билан, масалан, чарчадим, толиқдим, ҳоридим, ҳолдан тойдим, силлам қуриди, деб ҳам изҳор қиладилар.

Шундай бой, гўзал тилга эга бўла туриб, айниқса, мустақиллик насиб этиб, ўзбек тили Давлат тили мақомини олишга етишган бир замонда ҳеч қандай маъно англатмайдиган чала-чулпа шиорларни эшитиш ёки катта-катта ҳарфлар билан кўчаларда ёзиб қўйилгани, бу — миллий тилимизга лоқайдлигимизданми?

Тилимизга бўлган эътиборсиз муносабатни одамлар оғзидангина эмас, телевизор, радио орқали ҳам эшитилиши жуда афсусланарлидир.

Мен «Янги йил билан», «Ёқимли иштаҳа», «Тан жароҳати олди» деган гапларни эшитганимда, ё тавба, деб ҳайрон қоламан. Чунки ўзбек тилида бундай иборалар йўқ. Байрам, янги йил арафаларида кишилар бир-бирлари билан: «Янги йил муборак бўлсин, қутлуғ бўлсин, табриклайман», деб кўришадилар, ниятларини айтадилар. «Янги йил билан» дейилганда эса мақсад мавҳум бўлиб қолмаяптими? Бундай чала гапни эшитган одам: «Хўш, янги йил билан ёки байрам билан нима қил демоқчисан?» демайдими!

Биз ўзбекларда қадим-қадимдан овқат ейилаётганда «ёқимли иштаҳа» дейилган эмас. Ота-боболаримиз бундай гапни эшитмаган ҳам, билмаган ҳам. Еганингиз ўзингизга буюрсин, маъносида «ош бўлсин» деганлар. Қандай чиройли! Балки булар кимларнингдир назарида майда гап туюлар, йўқ, миллатнинг ғурури, шаънига алоқадор гапларнинг катта-кичиги бўлмайди.

Шу кунларда мен учун кутилмаган бир воқеа рўй берди.

Эварам уч ёшга тўлган куни қариндош-уруғлардан бири устига уч дона кичиккичик шам ўрнатилган каттакон тортни совға қилиб кўтариб келди. Аввалига, нега шам ўрнатилганини тушунмадим. Кейин маълум бўлдики, шамни ёқиб, уч ёшга тўлган болага пуфлатиб ўчиртириларкан. Буни кўрдиму ёқа ушлаб тавба дейишдан бошқа иложим қолмади. Ахир, бу христианлар удуми-ку! Ахир,биз-лар, ҳамма халқларда бор одатларни ўйламасдан ўзимизга олаверсак, ғуруримиз, миллий фахр қаёқда қолади? Наҳотки, бизлар ўзбеклигимизни гоҳида мана шу тариқа унутиб қўйсак?!

Ахир, бизнинг томиримизда жаҳонда буюк ном қолдирган боболаримиз Алишер Навоий, Амир Темур, хорижда ҳам ўз тилини унутмаган, иззат қилган Бобурларнинг қони бор-ку! Биз, ўзбеклар ҳеч кимдан кам эмасмиз, деб мағрур айтишга асоси бор халқмиз. Жаҳондаги мана-ман деган шоҳмотчиларни енгиб, ақли ва салоҳияти билан шоҳмот тожини кийган Рустам Қосимжонов кимлигимизнинг ёрқин гувоҳи-ку!

Бизлар ўзбеклигимиз билан фахрланишимиз керак. Мустақиллик шарофати туфайли эркимизга қайтиб олган бисотимизни жон-дилимиз билан қадрлашимиз, ҳурмат қилишимиз зарур.

Халқимизнинг «Ўтган кунингни унутма, эски чориғингни йиртма!» деган мақоли бор. Кечагина эмасмиди, муқаддас жойларимиз, шаҳар, кўчаларимиз «Лыжни», «Фрунзе», «Магнитогорск» каби бизларга бутунлай ёт номлар билан аталганлиги. Бундай номларга кўзимиз тушганда тилимизда айтолмаган бўлсак ҳам, дилимизда «ўзи қадимги номи қандай чиройли, мазмунли эди» деб ғамгин бўлганмиз, наҳотки, дарров эсимиздан чиқа қолди?!

Булар кўчаларда кўзга ташланадиган нарсалар. Баъзан масъул идораларга ишингиз тушса ёки телефон қилгудек бўлсангиз, ҳали ҳам ўзбек тилида жавоб қайтаролмайдиганлар бор. Бу айб эмасдир, бироқ у ердаги иш юритувчи ўзбек тилини билмайдими, демак билингки, ўша ташкилотда ҳали-ҳамон ҳужжатлар давлат тилида эмас.

Ўзбек тили давлат тили бўлганига 15 йил бўлса-ю, наҳот ҳали ҳам қонунга риоя қилинмаса?!

Кўча номлари, одамлар ўртасида бўладиган муаммолар, тил бузилишлари ҳақида матбуотда танқидий фикрлар билдирилмоқда: Урф-одатларимиз, тилимизга эътиборсизлик ҳолатларини оммавий ахборот воситаларида ҳам кўриниб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Одатда, одамлар ораси-да бирор бир жойда фалокат юз берса, фалонча одам яраланибди, шикастланибди ёки жароҳатланибди дейилади. Аммо ҳеч кимнинг оғзидан «тан жароҳати олибди» деган гап эшитмайман. Бу ўзбекча сўз эмас.

Баъзан «шу» билан «шулар»нинг фарқига бормаймиз. Ярим соатлик эшиттириш сўнггида «Ҳозирча шулар» дейиш ўрнига «Ҳозирча шу», «Кўришгунча хайр» ёки «Соғ-саломат бўлинглар», деб бирор яхши истак, ният билдириш ўрнига томдан тараша тушгандек «Кўришгунча» деган гапни эшитасан... Ўзбек сўзларининг гўзаллигини имкон борича сақлаш керак. Кишининг қанчалик билимли, маданиятли эканлигининг ифодаси — тил.

Радио, телевидениедаги йирик сўз усталари Мирзоҳид Раҳимов, Раъно Жўраева, марҳум Қодир Махсумовларни ўзбек тилининг гўзаллигини, юракларга сингдиган қилиб, унга жило бериб сўзлашлари сухандонларга ибрат бўлиши керак.

Холиссанилло билдирилган мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқармоқ учун аввало биз ўзимиз масъулиятсизлик, лоқайдлик касалидан қутулишимиз керакка ўхшайди.

Сўзга эътибор — элга эътибор, деб шунчаки айтилмаган. Биз буюк Алишер Навоий тилидек гўзал ва бой тил эгалари эканлигимиздан фахрланиш ҳисси қалбларимизни тарк этмаслиги керак. Ҳар бир айтилган сўз дилларимизга ором ва ғурур бағишласин!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги лавозимлар учун танлов эълон қилади:

Авиакоинот факультети бўйича

1. Учиш аппаратлари ишлаб чиқариш технологияси кафедраси: *профессор — 0,25, доцент — 1,25, катта ўқитувчи — 1,5.*
2. Учиш аппаратлари деталларини ишлаб чиқариш технологияси кафедраси: *доцент — 0,5, катта ўқитувчи — 0,5, ассистент — 1.*
3. Учиш аппаратлари конструкцияси ва уларни лойиҳалаш кафедраси: *доцент — 1, катта ўқитувчи — 1,5, ассистент — 1,5.*
4. Учиш аппаратлари аэрогазодинамикаси кафедраси: *доцент — 1, катта ўқитувчи — 0,25, ассистент — 0,5.*
5. Амалий механика кафедраси: *профессор — 0,5, доцент — 0,75, катта ўқитувчи — 2,25.*
6. Меҳнат муҳофазаси кафедраси: *доцент — 2,5, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1,5.*

Умумтехника факультети бўйича

7. Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси: *доцент — 2, катта ўқитувчи — 1, ўқитувчи — 2.*
8. Олий математика кафедраси: *профессор — 1, доцент — 2, катта ўқитувчи — 0,5, ўқитувчи — 2.*
9. Физика ва химия кафедраси: *ўқитувчи — 1.*
10. Чизма геометрия ва машина графикаси кафедраси: *кафедра мудири — 1, катта ўқитувчи — 0,75.*
11. Жисмоний тарбия кафедраси: *катта ўқитувчи — 3,5.*
12. Тиллар кафедраси: *катта ўқитувчи — 2, ўқитувчи — 8,75.*

Фуқаро авиация факультети бўйича

13. Учиш аппаратлари ва авиадвигателлар техник эксплуатацияси кафедраси: *профессор — 1, доцент — 4, катта ўқитувчи — 4, ассистент — 3.*
14. Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозлари кафедраси: *доцент — 2, катта ўқитувчи — 2,25, ассистент — 2.*
15. Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг электр жиҳозлари кафедраси: *кафедра мудири — 0,5, доцент — 4, катта ўқитувчи — 1,5.*
16. Назарий электротехника ва электроника кафедраси: *кафедра мудири — 0,5, доцент — 0,5, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1,5.*
17. Ҳаводаги ҳаракатларни бошқариш кафедраси: *доцент — 2,75, катта ўқитувчи — 0,75, ассистент — 0,5.*
18. Фалсафа кафедраси: *профессор — 2, доцент — 2, катта ўқитувчи — 2.*

Менежмент факультети бўйича

19. Авиатармоқ менежменти кафедраси: *профессор — 2, доцент — 3,5, катта ўқитувчи — 3, ассистент — 1,25.*
20. Авиатармоқ маркетинги кафедраси: *профессор — 0,5, доцент — 1, катта ўқитувчи — 5, ассистент — 1.*
21. Авиатармоқ иқтисодиёти кафедраси: *доцент — 2,5, катта ўқитувчи — 3, ассистент — 1,5.*
22. Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси: *профессор — 0,25, доцент — 1,5, катта ўқитувчи — 0,5.*
23. Касбий педагогика кафедраси: *доцент — 2, катта ўқитувчи — 2,5.*

Конкурсда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:
- ***ариза;***
- ***шахсий варақа (сўровнома);***
- ***2 дона фотосурат;***
- ***илмий ишлар ва мақолалар рўйхати;***
- ***дипломлардан нусха.***

Аризалар эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси 25-уй, ТДАИнинг бош биноси, 3-қават, 34-хона (илмий котиб).
Телефонлар: 133-89-22, 136-76-79, 133-47-13.

ИИВ матбуот маркази хабар қилади

Тонгдаги қотиллик

Эрталабки соат тўққизлар эди. Бухоро шаҳрида Чорбахосса кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи Сардор (1982 йилда туғилган, ҳеч жойда ишламайди) уйида ўзаро жанжал оқибатида 1964 йилда туғилган Хусен Гуловнинг бошига уриб, оғир жароҳат етказган. Натижада жабрланувчи касалхонада вафот этган. Ҳозирда Сардор ички ишлар ходимлари томонидан ушланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Бировнинг телпаги талончиларга насиб этмади

Навоийлик уч номаълум шахс Ибн Сино кўчасида Шералини тунашди. Уни қўрқитиб, чарм курткаси ва телпагини олиб қўйишди. Олиб борилган суриштирувлар натижасида ушбу жиноятни бир касбнинг бошини тутмаган 19 ёшли Ҳикмат ва Маҳмуд ҳамда 1981 йилда туғилган Фарҳод исмли шахслар содир этганлиги аниқланди ва ушланди.

Тазарру

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида номаълум шахс 21-даҳада яшовчи Дилором Розимбоеванинг уйига кириб, уни қийнаб, қўрқитиб 2- та чарм куртка ва 1 жуфт сариқ металлдан ясалган сирғасини олиб кетади. Кўрилган чоралар натижасида жиноятчи қўлга олинди. Бу талончи ҳам ғирт бекорчи, 23 ёшли Умар исмли шахс экан. Энди у тавбасига таяниб, тергов бермоқда.

РЕКОРДЛАРГА ПОЙДЕВОР ЯРАТИЛАЯПТИ

Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт мажмуида 1990-91 ҳамда 1992-93 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида енгил атлетика мусобақалари бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими соврини учун ўтказилган республика биринчилигида 12 жамоа енгил атлетиканинг 28 тури бўйича беллашдилар. Шахсий биринчиликда Тошкент шаҳри спортчи ёшлари ғолиб бўлдилар. Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари вакиллари ҳам яхши натижалар кўрсатишди. Республика Енгил атлетика федерациясининг вице президенти Геннадий Арзуманов таъкидлаганидек, бўлғуси рекордларга, пойдевор айнан шу каби мусобақаларда яратилади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАРАКАТ ПЛЮС

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар ишлаб чиқаради ва сотади.



Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.
Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru

КАФОЛАТ 2 ЙИЛ.

Маҳсулот сертификатланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalq_suzi@rambler.ru

KLPT ИМТИҲОНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН

Korean Language Proficiency Tect

Имтиҳон куни — *2005 йил 24 апрель.*
Ҳужжат қабул қилишнинг бошланиши — *2005 йил 24 февраль.*
Ҳужжат қабул қилишнинг охирги куни — *2005 йил 25 март.*
Ҳужжат қабул қилиш жойи — *«FAN KLAPT» МЧЖ ўқув маркази.*

Қўшимча маълумот олиш учун телефон: 41-45-80. Манзил: Ўзбекистон, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним к., 3-уй, «FAN KLAPT» ўқув маркази.

Корея Республикаси олий ўқув юртларида корейс тилини ўрганиш учун ҳамда алоҳида шартнома асосида Кореяга ишга борувчилар учун.

http://www.klpt.com

KLPT сертификати ҳақиқийдир. Хизматлар лицензияланган.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон 134-48-11.



Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.

Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган АВТОМОБИЛЛАР ва ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК техникаларининг ғилдиракларини таклиф қилади.

Пул ўтказиш йўли билан
Ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 трансларини ҳам қабул қилади
Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26
Тел./факс: 77 1451, тел.: 79 9468
103 7234, 334 6421.
Товар сертификатланган

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси «Ўзбек ипаги» уюшмаси раисининг ўринбосари Собир Абдусатторовга падари бузруквори **Отабек хожи отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«O'zgeoburg'uneftgazqazibchiqarish» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси «Термиз нефть база»си директори Тўра Эшпўлатовга онаси **Бекном ая ҲАЙДАРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

O'ZLOTTO KUNDALIK

кетма-кет тўғри топилган сонлар миқдори	Ютуқ (сўм) / тушган рақамлар	14.02.05	15.02.05	16.02.05	17.02.05	18.02.05	19.02.05
		9 8 1 8	0 7 4 4	1 7 5 9	7 3 0 7	6 0 5 5	4 6 0 4
		Ютуқли ставкалар сони					
4	200 000	0	2	3	1	1	0
3	2 000	68	59	93	73	55	85
2	200	990	1010	1 047	892	1035	1146
1*	100	3 445	3 188	3 177	2 461	2 858	3 214

* биринчи ёки тўртинчи устунлардаги тўғри топилган сонлар

20-тиражининг ҲИСОБОТИ — O'ZLOTTO 6/30

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 23 1 6 8 13 30

Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 16 февраль

Ўйналган ютуқлар:

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди (сўм)	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи (сўм)
6та тўғри топилган сон учун	20 001 452 + Matiz	0	0
5та тўғри топилган сон учун	300 608	22	13 664
4та тўғри топилган сон учун	450 912	435	1 036
3та тўғри топилган сон учун	751 520	3 654	205

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 23 февраль куни ўтказилади

21-тиражининг ҲИСОБОТИ — O'ZLOTTO 6/35

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 5 18 33 14 12 21

Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 19 февраль

Ўйналган ютуқлар:

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди (сўм)	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи (сўм)
6та тўғри топилган сон учун	145 609 826 + Lacetti	0	0
5та тўғри топилган сон учун	853 243	9	94 804
4та тўғри топилган сон учун	1 173 209	413	2 840
3та тўғри топилган сон учун	1 173 209	4 077	287

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 26 февраль куни ўтказилади

Тўкин ҳаёт сари!

Лицензия №000001

Тошкент ш., Ниёзбек йўли к., 24. Тел.: 136-70-69.

(Газетанинг навбатдаги сони 1 март, сешанба куни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

(t) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 23456